

Асрлардан бери одам болаларини эзиб, курутиб келган хасталик (касаллик)ларнинг энг ёмони ва юкумлиси ришват хасталигидир.

Ришват хасталиги ҳисобсиз одам болаларини хонавайрон, бачагирён ва дарбадар килгон. Одам жинсининг ҳар бир синфи орасинда ришват хасталиги ҳукм суриб келгон.

Анинг панжаи истилосиндан подшоҳдардан бошлаб гадои ва ғулохиларгача ҳеч бир синф халқ ўз ёкасини куткара олмагон. Аввал, сонсиз буржуазларни, ҳисобсиз мансабдорларни, ниҳоятсиз мулла ва камбағалларни нақшин ўриндан, иссиқтўшакиндан тортиб олиб, йилларча азоб ва қайғу зиндонига тикиб қўюб, охири қабристон тарафига жўнатиб юборган.

Хулоса: ришват хасталигининг одамизодга еткурған зарари шунча қўбдирки, агар фақир халқ синфининг кўз ёшлари сиёхбўлса, болшевиклар окчасининг барчаси коғоз бўлса, жумла бесоқол болаларнинг қирпиқлари қалам бўлса ва ер юзиндаги ҳамма мусулмон иштирокиюнлари қотиб бўлса-лар, анинг зарариндан миллиондан бир ҳиссасини шўролар ҳукумати тамом бўлгунча ёзиб битуролмаслар.

Мундан бир йил илғари бизнинг Туркистонда ришват хасталиги унча қўб тарқалмагон эди. Аммо 1918нчи йилнинг бошиндан эътиборан бу хасталик бизнинг халқ орасига кундан-кун қўпайиб, халқимизни темир уйлар тарафига жўнатмоқдадир. Агар бу хасталикка қарши ҳукуматимизнинг ҳаракати ила ҳозик табиблар тарафиндан муолажа қилинмаса, озгина бир замонда бутун Туркистонимизнинг наҳанг қомига қетиши ёки «Лут қавми»дек ер ютиши ва ё Худонинг қазаби ила Нўх тўфонидек муқаддас Ватанимизни сув ютиши шубҳасиздир.

Хавойи телеграм воситасила Бухородан олдиғимиз бир хабарга қўра, анда амирнинг «Лукмони ҳаким» замониндан қолган бир ҳозик табиби ришват хасталигига муолажа этмақ тариқасини қашф этиб, ушбу ҳусусда «Қайф-сафо» исминда юз жилддан иборат қатта бир асар таълиф этган. «Маликул-тиббон» лақаби ила шухрат чиқаргон мазкур табиб ўз қитобининг 99нчи жилдинда «Айш-ишрат» фаслинда ришват хасталиги тўғрисида ушбу мазмунда маълумот берибдур: «Ришват» хасталиги Бухорода ҳукм сурмоқда бўлгон «ришта» хасталиқига лафзан ўхшаса ҳам, лекин бу икки турли хасталик орасинда ҳейли маънавий тафовут бордир. Чунончи, ришват хасталиқига мубтало

бўлган кишининг корни кундан-кун шишиб, юзи кизариб, аммо мияси кундан-кун озаядур. Ришта хасталикига йўликкан кишининг эса, билъакс, юзи кўкнорилар юзидек саргайиб, ўзи кундан кун арикланур, кучсизланадур.

Хўрак ва иштахага келганда, ришват хасталикига гирифтор бўлгон кишининг иштахаси товук кабоби билан конякни карнайдек тортадир. Аммо ришта чикаргон одам мошоба билан аталани ҳам ичолмай, зўраки рўза тутгон кишилардек асабий мижоз ва урушкок бўладир.

Ришват хасталикига мубтало бўлгон кишининг муолажаси ушбудир: андай одамни дархол «собачний яшик», яъни ит уясига тикиб, хар кун анга бир парча кора нон билан бир пиёла сувдан бошка нарса бермаслик керак. Шул равишда олти ойдан уч йилгача тарбия килингонда (агар Худо шифо берса) тез кунда согайиб кетар».

«Таёк»: мазкур табибнинг юкоридаги баёнатига карагонда, бизнинг таъминот комиссияси хам ришват хасталикига мубтало бўлгонга ўхшайдир.

*Ботурбек*

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 22 ноябрь*